



САГДУЛЛАЕВА Дилфуза Каримуллаевна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар
кафедраси доценти в.б.,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)
E-mail: dilfuzasagdullaeva@gmail.com.

“ИСЛОМ” ЛЕКСЕМАСИ СЕМАНТИК МАЙДОНИНИНГ МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ СЕМАНТИЧЕСКОГО ПОЛЯ ЛЕКСЕМЫ «ИСЛАМ»

PECULIARITIES OF THE SEMANTIC FIELD OF THE LEXEME “ISLAM”

Аннотация: Ислам динининг асосий манбаси ҳисобланган Қуръони каримдаги “ислом” лексемасининг турли маъно оттенкаларини семантик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, бу тушунчанинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ислом таълимотидаги ўрнини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақола сўнги илоҳий динга ўз номини берган ислом лексемаси семантик майдонининг маъно хусусиятлари тадқиқига бағишланади. *Slm* ўзаги ва унинг турли контекстларда қўлланган ҳосилалари ҳамда маъно оттенкалари диахроник семантик усул асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ислом, *slm* ўзаги, лексема, семантик майдон, маъно хусусиятлари, диахрон аспект, лугат, таҳлил.

Аннотация: Семантический анализ различных оттенков значения лексемы «ислам» в Коране, являющемся основным источником исламской религии, имеет важное значение для определения происхождения, развития и места этой концепции в исламском учении. Данная статья посвящена исследованию семантических особенностей лексемы «ислам», давшей название последней божественной религии. На основе диахронического семантического

метода был проведен анализ корня *slm* и его производных, используемых в различных контекстах, а также их оттенков значения.

Ключевые слова: ислам, корень *slm*, лексема, семантическое поле, семантические особенности, диахронический аспект, лексика, анализ.

Annotation: The semantic analysis of the different shades of meaning of the lexeme “Islam” in the Qur’an, which is the main source of the Islamic religion, is important for determining the origin, development and place of this concept in Islamic doctrine. This article is devoted to the study of the semantic peculiarities of the lexeme “Islam”, which gave its name to the last religion. Based on the diachronic semantic method, the root *slm* and its derivatives used in different contexts, as well as their shades of meaning, have been analyzed.

Key words: islam, root *slm*, lexeme, semantic field, semantic peculiarities, diachronic aspect, lexicon, analysis.

КИРИШ

Маълумки, “ислом” тушунчаси ислом оламидаги энг муҳим ва кенг қамровли тушунчалардан бири бўлиб, унинг маъноси вақт ўтиши билан ўзгариб турли талқинларга эга бўлган. Динни тўғри англаш ва тушунтириш учун ушбу дин номининг асл маъносини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ислам динининг асосий манбаси ҳисобланган Қуръони каримдаги “ислом” лексемасининг турли маъно оттенкаларини семантик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, бу тушунчанинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ислом таълимотидаги ўрнини аниқлашда ҳамда замонавий ислом тадқиқотлари учун муҳим аҳамият касб этади. Мазкур лексема турли лугатларда турфа маъно ва контекстларда қўлланиб, ислом динининг асосий тамойилларини ифода этади. “Ислам” лексемасининг семантик майдонларидаги маъно хусусиятларини таҳлил этиш мазкур лексеманинг дастлабки мазмун-моҳияти, унинг маънолар силсиласидаги тадрижий ҳолати ва турли контекстлардаги қўлланишларини аниқлашга хизмат қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислам лексемаси **سلم** *slm* ўзагидан ташкил топган бўлиб, мазкур ўзак “1.соғ-саломат

salm ўзгаги سَلَم – سِلْم – سُلْم каби шаклларда феъл, исм туркумидаги сўз сифатида سَلَمْ – مُسَالِمٌ – سَلَّمَ سَالِمْ – каби кўплаб шакллارга эгя [1, 11]. Абдулкодир ар-Розийнинг “Муҳтару-с-сиҳах” луғатида salm ўзагидан ҳосил бўлган سَلَّم ва سَالِّم лексемалари эркак، سلمى эса аёл исмини ифодаловчи сўз сифатида келтирилади. سَلَّمان лексемаси ҳам тоғ номи, ҳам эркак кишига қўйиладиган исм (антропоним)дир. السَّلاليْم “зинапоялар” мазмунини ифодалаб، السُّلُّم унинг бирлиги ҳисобланади. السُّلُم эса “тинчлик” дегани [12:131]. Бақара сурасининг 208-оятِي أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ادْخُلُوا فِي السِّلْمِ كَافَّةً (Эй, иймон келтирганлар! Исломга тўлиғича киринг... [5:198]) даги السِّلْم лексемасини буюк саҳоба Амр ибн Ос томонидан السَّلَام тарзида ўкилиб, “ислом дини” назарда

“Муҳтару-с-сиҳаҳ” луғатида келтирилишича, السَّلَامُ ва السَّلَامُ сўзларидаги س ҳарфи фатҳа ёки касра билан ёзилса, “сулҳ, тинчлик” маъноларини англатади. السَّلَامُ ва مُسَالِمٌ сўзлари “тинч, тинчликсевар инсон” маъносини ифодада ҳам қўлланилади. السَّلَامُ эса “ҳавфсизлик, фаровонлик, тинчлик, осойишталик” деган маъноларни англатади. Шунингдек, السَّلَامُ лексемаси Аллоҳнинг гўзал исмларидан бири бўлиб, “айбсиз, нуқсонсиз” маъноларини ифодалайди. Бирлик шакли سَلَامٌ бўлган السَّلَامِيَّاتُ лексемаси ҳам мазкур ўзакдан ясалиб, у “бармоқ бўғими”ни ифодада ҳам қўлланилади. سَلَمٌ “офатлардан халос бўлиш; سَلَمٌ “бермоқ, етказмоқ”; تَسَلَّمَ “қабул қилиш”; التَّسْلِيمُ бир томондан “қабул қилиш” маъносини англатса, иккинчи томондан “тинчлик” маъносида қўлланилади. وَأَسَلَمَ أمره إلى الله иборасидаги أسلم феъли “Аллоҳ тақдирига рози бўлиш” маъносидадир [12:131]. “Муъжаму-

л-васит” луғатида *slm* ўзаги асосида ҳосил бўлган сўзларнинг қуйидаги маънолари мавжуд. Хусусан, *سَلَّمَ* – *السَّلَامُ* “юқорига кўтарилиш ёки бирор нарсага эришиш учун қўлланиладиган восита” маъноларини ифодалайди. Шунингдек, *السَّلَامُ* лексемаси мусиқа ноталарига нисбатан ҳам қўлланилади. *سَلَّمَ* – *السَّلَامُ* лексемаси “сулҳ, тинчлик, ислом (дин)” маъноларини англатиб, унинг антоними *حَرْبٌ* “уруш” сўзи ҳисобланади [11]. Анфол сурасининг 61-ояти **إِنْ جَنَحُوا لِلسَّلَامِ فَاجْنَحْ لَهَا** (Агар улар тинчликка мойил бўлсалар, сен ҳам уларга мойил бўл... [5/2:499]) да қўлланган мазкур лексема айнан шу маънони намоён қилмоқда. *سَلَّمَ* ўзагидан ҳосил бўлган *السَّلَامُ* сўзи тинчликсевар ва тинчлик тарафдори бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. – *السَّلَامُ* лексемаси “тинчликда таслим бўлиш, урушсиз асирга тушиш” маъноларини ифодаласа, *سَلَّمَ* феъли “итоат қилмоқ, бўйсунмоқ, бировнинг хукмига рози бўлмоқ”, шунингдек, “намозни тугатиш учун салом бериш”, “одамларга салом бериш”, “даъвонинг ҳақиқатини қабул қилиш”, “душман кўшини ғалаба қозонганини тан олиш”, “Аллоҳга таслим бўлиш”, “Аллоҳ таолонинг бандасини балодан қутқариши ва тинчлантириши”, “фаровонликка эришиш” каби қатор маъноларни ифодалайди [11].

Ибн Манзур “Лисану-л-араб” асарида *slm* ўзаги маъноларини ифодалаш мақсадида Муҳаммад ибн Язид қарашларига мурожаат қилган [6]. Шу нуқтаи назардан, у *slm* ўзаги тўрт хил маънода қўлланилишини айтади:

а) *سَلَّمَ* феъли ва унинг масдар шакли *سَلَامٌ*. Мазкур феъл “омон қолмоқ”, “тинчликка эришмоқ”, “нажот топмоқ” маъноларини ифодалайди. Ибн Манзурнинг фикрича, бу сўзнинг асл маъноси *سَلَامَةٌ* сўзидан келиб чиқиб, “турли офат ва ёмонликлардан узоқ бўлиш” маъносини билдиради. Шунингдек, мазкур сўз “омонлик” маъносида ҳам қўлланилади.

б) *السَّلَامُ* - Аллоҳнинг гўзал исмларидан бири сифатида. Ибн Манзур Аллоҳнинг исми сифатида қўлланилган *السَّلَامُ* *as-salam* лексемаси “Аллоҳ турфа камчилик ва офатлардан покдир” деган маънони англатади, дея таъкидлайди. Шунингдек, бу сўз масдар шаклда бўлиб, “фаровонлик манбаи”, “фаровонлик берувчи”, “тинчликка етакловчи”, “камчиликлардан, нуқсонлардан ва балолардан ҳимоя қилувчи”

каби маъноларга эга [6:342]. Бу сўзнинг асли масдар бўлишига қарамай, маъно кучайтириш мақсадида сифат шаклида қўлланилади [9:72]. Абу Аъла Мавдудий бу сўзни шарҳлар экан, *السَّلَامُ* *as-salam* лексемаси бир тарафдан “тинчлик ва хотиржамлик ато этувчи”; бошқа томондан “камчиликдан холи” маъноларига эга эканлигини таъкидлайди. *السَّلَامُ* *as-salam* бу хавфсизлик, тинчлик ва хавфсизликни таъминловчи демакдир. Кимнидир жуда гўзал деб аташ билан у кишининг гўзаллик тимсоли эканлиги таъкидланади. Аллоҳ *السَّلَامُ* *as-salam*дир, чунки У аввалдан охиригача тинчлик бергувчи. Ундан на ёмонлик келиши, на комиллигига путур етиши мумкин. У буларнинг барчасидан холи Зотдир. *السَّلَامُ* *as-salam* (“тинчлик”) барча нажотларнинг манбаидир. У айб, нуқсон, йўқлик, қисқаси, ҳар қандай хавф-хатардан омон бўлганидек, умид қилганларга ҳам нажот келтирувчи Зотдир [қаранг:2].

в) *سَلَّمَ* феъли ва унинг масдари бўлган *سَلَام*. Бу феъл саломлашиш учун ишлатилади. Мазкур маънода араб луғатларида кенг қўлланиладиган лексема *تَحِيَّةٌ* ҳисобланади. Ибн Манзурнинг фикрича, *سَلَام* лексемаси мазмуни “дини ва руҳини ҳар қандай ёмонликдан пок бўлишини сўраб дуо қилишдир”.

д) *السَّلْمُ* - дарахт тури. Ал-Азҳарий: “Бу катта ва чидамли дарахт бўлгани учун турли офатлардан узоқдир. Шунинг учун у шундай ном олди”, дея дарахтнинг бу ном билан аталишини изоҳлайди [7].

Мавзуга доир луғатлардан бири “Муъжамул-мусталаҳату-л-фикҳиййа” луғатида *slm* ўзагининг маъноси “таслим бўлиш” бўлиб, у “жангсиз асирга тушиш”ни ҳам англатиши юзасидан маълумотлар келтирилади. Араб тилида бу ўзакнинг луғавий маъноси “қарз бериш”ни ифодаласа, истилоҳий маънода “товар пулини тўлаб, уни кейинроқ олишга рози бўлиш” маъноларини англатади [14]. Зеро, розилик ҳам тинчлик аломатидир. Абу Ҳилол ал-Аскарининг “Фуруқ фи-л-луға” номли асарида мазкур ўзак ва унинг ҳосилалари “ҳар қандай зарар, йўқотиш, хавф-хатар, ёвузлик, мусибат ва таҳдиддан омон бўлмоқ”, “фаровон, хотиржам бўлмоқ” маъноларини ифодалаш келтирилган [10]. Ибн Форис ўзининг “Муъжамул-мақайиси-л-луға” номли

асарида *سُؤي* “касалликлардан холи бўлиш” маъносини ифодалашини келтиради [8].

Фирузободий *إسلام* *islam* лексемаси “Аллохнинг амр ва ризкига таслим бўлиш ёки бўйин эгиш”, “Аллохнинг қазо-қадарига рози бўлиш” маъноларида қўлланишини таъкидлаган [13]. Шунингдек, *slm* ўзагидан ҳосил бўлган *إِسْلَام* *islām* сўзи ҳам юқоридаги маънолар билан бир қаторда “доимо ўрта йўлдан эргашиш” маъносини ҳам англатади.

ХУЛОСА

Ислом лексемасининг семантик майдони доирасида тинчлик маъноси билан бир қаторда “фаровонлик”, “осойишталик”, “хавфсизлик” каби атамалар пайдо бўлди. Тилни жонли борлик ва ижтимоий ҳодиса эканлигини ҳисобга олган ҳолда *slm* ўзагининг тарихий шароитда янги маъно товланишларига учраб, маъно кенгайиши табиий жараёндир. Бу ўзакнинг “турли ёмонлик, зарар, камчиликдан холи бўлмоқ, покланмоқ, қутулмоқ” каби бошланғич маъноси билан алоқаси узилмаган ҳолда маъно жиҳатдан кенгайган.

Бу сўз доирасида яратилган семантик майдон Яратганнинг бандалари билан бўлган муносабатини ислом дини асосида тасвирлайди. Бу муносабатда банда ўз Яратувчисига *إسلام* *islam*, яъни “соф қалб билан таслим” бўлса, Яратган *السالَام* *as-salam* сифати билан уни “нажот”га йўналтиради. Шу тариқа *السالَام* *as-salam* сифати бандаларнинг ижтимоий ҳаётига кўчиб, “осойишталик ва тинчлик”ни сўрайдиган дуога айланади.

ФОЙДАНИЛГАН МАНБА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ан-На‘йм. Арабча-ўзбекча луғат. – Тошкент, 2003. – 959 б.
2. Gezgin A.G. (1999). Tefsirde Semantik Metod ve Kur’ân’da Kavm Kelimesinin Semantik Analizi, Süleyman Demirel Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Doktora Tezi, Isparta.
3. Kocabaş, Ş. (1997). İslam’da Bilginin Temelleri, İstanbul: İz Yayıncılık.
4. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т.: Mumtoz so‘z, 2010. – Б. 3.
5. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз. – Тошкент, 2008. – Б. 395; 2-жуз. – Тошкент, 2008. – 640 б.

6. ابن منظور. لسان العرب. دار المعارف، بيروت. 1993
7. أبو منصور الأزهري. تذهيب اللغة. دار الفكر، بيروت. 2004
8. أحمد بن فارس بن زكريا أبو الحسين. معجم مقاييس اللغة. الجلد الثالث. دار الفكر، بيروت. 2014
9. أنوار التنزيل وأسرار التأويل المعروف بتفسير البيضاوي. دار الفكر، بيروت. 1996
10. أبو هلال العسكري. الفروق في اللغة. دار الرسالة العالمية. بيروت، 2014.
11. المعجم الوسيط. مكتبة الشروق الدولية، القاهرة. 2005
12. محمد بن أبي بكر بن عبد القادر الرازي. مختار الصحاح. مكتبة لبنان، بيروت. 2017
13. محمد بن يعقوب الفيروز آبادي مجد الدين. القاموس المحيط. دار الحديث، القاهرة. 2013
14. محمود عبد الرحمن عبد المنعم. معجم المصطلحات والألفاظ الفقهية. دار الفضيلة للنشر والتوزيع والتصدير. القاهرة، 1999